



Ishonch

МОҲИАТ
Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдириб, юксала боради. Бу илдириш қанча чуқур бўлса, туйғулиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri / Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Юртимиз неъматлари

ОЛТИАРИҚНИНГ ОЛТИНРАНГ УЗУМЛАРИ



Суратда: олтиариқлик узумчи Абдумалик Исоқов

Олтиариқ туманидаги тоқзорлар, уларда новот каби товланиб турган узумлар кўзи қувонтиради. Узум етиштириш бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган олтиариқликлар бу борада юқори натижаларга эришмоқдалар.
— Ҳақиқатан ҳам юртимиз жаннатмонанд, — дейди тажрибали боғбон Абдумалик Исоқов. — Кўёш тафтидан тўйинган бундай мева-ю узумларни дунёнинг бошқа жойидан тополмайси.
Қариб эллик йилдан бундан узумчилик билан шуғулланаман. «Кора шахзода», «Ризамат ота», «Хусайни», «Мерс» каби узум навлари ҳосилдорлиги ва мазаси билан ажралиб туради. Ҳар йили ўртача 6 миллион сўм атрофида соф фойда оламиз.
Ҳа, ўз меҳнатининг самарасини кўраётган, оиласи фаровонлигини таъминлаётган инсонлар сафи юртимизнинг барча жойларида, жумладан, Олтиариқда ҳам кенгайиб бормоқда. Буларнинг бари истиклол берган имкониятлар, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ҳамма нарсаси инсон, унинг манфаати ва бахт-саодати учун, деган ҳаётбахш гоёнинг амалий ифодасидир.
М.ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган сурат

Дала меҳнаткашлари ҳузурда

Меҳнатсеварлик халқимизнинг қонидан бор. Юртимиз далаларида пахта йигим-терим мавсуми қизгин кечаётган аини дамларда шу жиҳат яққол кўзга ташланмоқда. Республикада биринчилардан бўлиб зафар марралари сари интилаётган Навоий вилояти пахтакорларининг шижоати фикримиз исботи. Ўзини қўлга киритилган ютуқларга шерик, деб билган катта-ю кичик ҳосилни нест-нобуд қилмай, давлат хирмониغا топшириш шашти билан яшаётди.

Муносиб улуш

Кун кеча Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан «Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Алишер Мадалимов бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар навоийлик пахтакорлар ҳузурда бўлиб, ўнлаб илгор теримчиларга Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совға-салом топширишди. Вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вакилла-

ри ҳам теримчиларни ўз тўхталари билан хурсанд этишди.
Гуруҳ аъзолари дастлаб Навбахор туманидаги «Ижанд» фермерлар уюшмасининг «Шойимполвон», «Фаровон Туркистон» фермер хўжаликларидан пахтакорлар ҳашарчилар учун яратилган шароит билан яқиндан танишишди. Шундоққина йўл яқинидаги «Алибек Полвон» фермер хўжалиги далаларида тер тўкаётган фидойи деҳқонлар ҳам эътибордан четда

қолмади. Улар туманининг яқинда нишонланажак 30 йиллик тўйига режадаги ҳосилга қўшимча яна 30 тонна пахта топширишга аҳд қилишган.
Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар сафари «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Тангрижамол», «Этти паҳлавон» фермер хўжаликларидан далаларида давом этди.
Кези келганда шуни алоҳида қайд этишни истардик-ки, вилоятда касба уюшма ташкилотлари иш-

тирокидаги бундай тадбирлар мунтазам йўлга қўйилган. Ҳар бир кенгаш ва вакиллик меҳнаткашларни рағбатлантириш орқали катта хирмоннинг қад ростлашига беминнат улуш қўшмоқда.

Ўша кун Кизилтепа ва Қонимех туманлари пахтакорлари белгиланган шартномавий ҳосил режасини ошириш билан адо этишди. Вилоят ҳокимлиги, касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, маҳаллий теле-

видение ва бошқа идоралар вакиллари бу қувончли зафар эгалари билан баҳам кўришга ошиқишди.
Қизилтепалик аҳдида вафодор деҳқонлар атиги 18 иш кунда 25040 тонналик улкан хирмон яратишди. Аниқ режа асосида иш ташкил этилганлиги боис, ўртачўл ҳудудида бўлишига қарамаддан, «Бобомурод», «Ўзбекистон», «Исломобод», «Қамолитдин» сингари ўнлаб фермер хўжаликларидан қисқа фурсатда режани 140-180 фоизгача уздадалдилар.
(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

«Кердер сути»ни ичиб кўринг

Қорақалпоғистонда илк марта қадокланган сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Тадбиркорларга берилган имконият ва имтиёزلардан қорақалпоғистонлик ишбилармонлар ҳам кенг фойдаланишмоқда. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди асосида маҳсулот тақдим этаётган корхоналар сони тобора ошиб бораёпти. «Нукус-шароб», «Еггар», «Хўжайли ёғ» сафига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик корхоналар келиб қўшилмоқда. Республиканинг ўзида қурилиш, енгил саноат маҳсулотлари, мейбел ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.
Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги кенг тантанани қилинган кунларда бундай корхоналар сони яна биттага кўпайди.
Ўтган йили баҳорда Қорақалпоғистон Республикаси фермер хўжаликлар уюшмаси Япониянинг JICA халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан сути қайта ишлашни ташкил қилишга доир лойиҳани амалга ошириш бўйича шартнома имзолаган эди. Бир неча йиллардан бери аҳоли дастурхонига сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бераётган Нукус туманининг «Кердер» овул фуқаролар йиғинида жойлашган чорвачилик ихтисослашган фермер хўжалиги ушбу шартнома учун асос қилиб олинди. Унга мувофиқ, «Кўнғиротбой-Меҳри» фермер хўжалигига бир кеча-кундузда 500 литр сути қайта ишловчи кичик ускуна жо-

рий йилнинг феврал ойида Италиядан келтирилиб, ишга туширилди.
Шу тариқа Қорақалпоғистонда биринчи марта қадокланган сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1 литрлик сизимда пастеризацияланган «Кердер сути» эндиликда харидорларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Ҳудуддаги сут етиштирувчи 16 фермер ва 6 деҳқон хўжалиги бу лойиҳага кооперация асосида бирлашди.
Эндиликда бундай лойиҳани республиканинг бошқа туманларида ҳам жорий қилиш юзасидан изланишлар давом этаёпти.
— Фаолиятимизни янада ривожлантириш чораларини излай бошладик, — дейди «Кўнғиротбой-Меҳри» фермер хўжалиги раҳбари Е.Айтмуродов. — Банкдан кредит олиб, йогурт, пишлоқ, қатиқ ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз.
Чорвачилик ихтисослашган мазкур фермер хўжалигида боқилаётган қорамоллар сони 500 га яқин. Йилнинг биринчи ярмида истаъмоличиларга 11 тонна сут ва 5 тонна гўшт етказиб берилди.
Янги цех фаолият кўрсата бошлаши билан ишчилар сони 50 нафардан ошди.
Муҳаббат ТҮРАБОВА,
«Ishonch» мухбири

Ободонлаштириш

Когон шаҳри кўчалари бўйлаб айланаркансиз, хайратдан лол қолишингиз шубҳасиз. Кенг ва раvon йўллар келинлик хонадондек саришта. Гулзор, сув сепилган асфалт йўл, нақшинкор катта туваклардаги ранг-баранг гуллар баҳри дилингни очади.

Ойдин кўчалар...

Айниқса, сўнгги икки йилда кун сайин кўркамлашиб бораётган кўчалар шаҳар хуснига хусн қўшмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, пиёдалар йўлакларини таъмирлаш, хиёбон ва гулзорларни кўпайтириш, хушманзара кўчалар ўтказиш, оқар сув таъминотини яхшилаш ҳамда кўчалар ёритилишига эътибор кучайтирилди.
— Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хуш кайфият бағишлаш мақсадида кенг қўламдаги ишларни амалга ошираялмиз, — дейди шаҳар Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи Фанижон Фафоров.
Дарҳақиқат, шаҳар кўчаларини кезаркансиз, мазкур жамоа аъзоларининг фидойилик билан қилаётган хизматларига гувоҳ бўласиз.
Жамоа етарли техника базасига эга. Аини пайтда 2 та сув

сепадиган махсус автомашина, ҳар бири 3 тадан тиркамага эга 4 та трактор шахар ободончилиги йўлига хизмат кўрсатмоқда.
Маълумки, Когонда ер ости сизот сувлари даражаси юқори. Вақтида чора қўрилмаса, шўрланиш ортинчи табиий. Шу боис шахар ҳудудидаги 7,6 километр масофадаги зовур тармоқлари тозаланди. Қўшимча равишда 2 та зах қочирши тик қудуғи қурилди. 4,6 километр масофадаги ёпиқ зовурлар механизмлар ёрдамида ювилмоқда.
Кўча ва хиёбонлар учун гуллар авваллари Тошкентдан келтирилган эди. Яқинда ташкил этилган иссиқхонада ўн турга яқин гул кўпайтириш ва ўстириш йўлга қўйилган, катта микродордаги маблағ тежаладиқ бўлди.
Изаатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Янги Кун Янгиликлари

Коллежни тамомлаган 4035 нафар уругulik ёшларнинг икки ярим мингдан ортиси эгалланган касби бўйича ишга жойлаштирилди. Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар ярмаркаларида иштирок этган 4216 нафар киши мутахассислиги бўйича иш топди.

Иш кафолатланди

Навбатдаги меҳнат ярмаркаси Уругут иқтисодиёт касб-хунар коллежидан ташкил этилди. Унда ҳудуддаги 162 та корхона ва ташкилот 387 та бўш ва квота ўринлари билан иштирок этди. Шу куннинг ўзидан 250 нафар ёш ишла бўлди. Бандлик хизмати йил охиригача яна минг нафарга яқин кишини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўраёпти.
Н. ШАМСИЕВ

Яқинда «Престиж миллениум» МЧЖ саёй-ҳаракати билан Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган «Isuzu» маркали автобусларнинг 30 таси Навоий шаҳрига келтирилди.

Йўловчилар манфаатини кўзлаб

Эндиликда мазкур транспорт воситалари шахар ва яқин атрофдаги туманлар аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Йўл ҳақининг арзон нархда белгиланганлиги йўловчиларга қўл келаётди. Йил охиригача бундай автобуслардан яна 30 та келтирилиши кўзда тутилган.
Мансур ЗОИРОВ

Гулистон шаҳрида янги савдо маркази иш бошлади. «Туркистониверсалсавдо» улгуржи базасига қарашли «Туркистон» савдо маркази икки қаватли кўркам бинода жойлашган.

Савдо маркази

Пойтахтдаги йирик савдо муассасалари андозаси асосида барпо этилган ушбу маскан энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Савдо марказининг биринчи қаватида озиқ-овқат ва кенг турдаги кундалик эҳтиёж моллари, иккинчи қаватда эса кийим-кечаклар, саноат моллари савдоси ташкил этилган.
Анорбой НОРҚУЛОВ

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида оилавий ансамблларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўшиқ байрами

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси асосида баддий ҳаваскорлик жамоалари сафини кенгайтиришни олдига мақсад қилиб қўйган мазкур тадбир юқори кенгайтириш савияда ўтди.
Кўнлик Шерқўзиевлар оилавий ансамбли аъзоси Намунахон ижросидаги «Салламо», Ҳасан ва Хусанлар хонишидаги «Гулдек жамол қолди», оилавий жўровозликда қуйланган «Фаргона тонг отгунча» кўшиқлари кўпчиликлари манзур бўлди.
Кўрик-танловда оилавий жамоалардан фарғоналик Шерқўзиевлар, тошкентлик Исмийминовлар оилавий ансамбллари биринчи, андижонлик Даминовлар, самарқандлик Сирожидиновлар иккинчи, қашқадарёлик Исоқовлар, қорақалпоғистонлик Утабевлар, хоразмлик Рўзметовлар учинчи ўринга сазовор бўлишди.
Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.
Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

«Қува дон маҳсулотлари» корхонасида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилиши натижасида 26 та янги иш ўрни вужудга келди.

Маҳсулоти харидоргир

Германиянинг «Вахтел» технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган сифатли нон маҳсулотлари анча харидоргир. Маҳсулотлар тумандаги дўконларга етказиб берилаяпти.
Бу ерда 960 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Корхона касба уюшма қўмитаси раиси Б.Эрназаровнинг таъкидлашича, иш ҳақи вақтида берилиб, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.
Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ижтимоий-маънавий йўналишларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Саховат

Жумладан, 60 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, тўшақда ётиб қолган ходимга 3 млн. 589 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти тарқатилди.
Таълим муассасалари кутубхоналари Президент асарлари, мустақиллик бағишланган адабиётлар билан таъминланди. 256 нафар кам таъминланган педагог-ҳодим фарзандларига 7 млн. 423 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Вилоятдаги учта Меҳрибонлик уйига маърифий тадбирлари учун жами 900 минг сўм, шунингдек, иккита ҳарбий қисмага 600 минг сўм маблағ ўтказиб берилди.
А. АБДИЕВ

Муносиб улуш

(Боши 1-бетда)
Тумандаги «Азизобод» пахта қабул қилиш масканидагиларнинг кўли қўлига тегмайди. «Пахта штаби» бошлиғи Бахтиёр Бердиев ҳар бир жараёни бошқариб бормоқда. Етказиб келинган ҳосил қисқа фурсатда қабул қилиб олинапти. Мавсумга 70 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи жалб этилган. Уларга барча шароит яратилган: икки маҳал бепул иссиқ овқат, дам олиш ва ювенил хоналари мавжуд. Алоҳида хонада бош ҳисобчи Зафар Бақоев ҳар бир шартнома, уларнинг ҳисоб-китоблари бўйича фермерлар билан мулоқот олиб бормоқда.

ҳамда касба уюшма вакилликлари томонидан гилам, иссиқ спорт кийимлари ҳамда рўзғор анжомлари улар каби кўпгина жонқуяр теримчи ва механизаторларга тарқатилаётган.
Гарчанд йиллик режа ошиғи билан адо этилган бўлса-да, уруғлик пахта етиштириладиган «Ҳазрати Имло» фермер хўжалиғи далаларида терим шашти баланд. Бодроқдек очилган лўппи чаноқлар салмоғи дилларга завқ бағишлайди. Хўжалик раҳбари Тоҳир Жўраевнинг айтишича, ҳали даладарда 35-40 тонна ҳосил турибди. Пешона тери билан етиштирилган ҳосил нест-нобудгарчиликсиз териб олинади.

лан ишлашга ундаркан, — дейди илғор теримчи Гулшоода Шамсиддинова. — Хўжалигимиз раиси Бобур Ғофуров ишчиларга ғамхўр. Дуюм рўзгоримиздаги аҳвол билан қизиқади. Қўлдан келганча ёрдам беради. Терим бошлангандан буён қарийб 500 минг сўм даромад қилдик. Кунни кеча вилоят раҳбарлари меҳнатимни муносиб тақдирлаб, телевизор совға қилишди.

Тоғ каби юксалаётган хирмонингизга барака, азиз навоийликлар!

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» муҳбири



Самарқанд вилояти далаларида меҳнат қилаётган «оқ олтин» бунёдкорлари вилоят ҳокимлиги, касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси, «Пахтасаноат» АЖ, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мунтазам рағбатлантириб борилапти.

Меҳнат ва рағбат

лан удалашга муваффақ бўлишган. Мисол учун, «Шаҳбоз Мардонов» фермер хўжалиғи 43 гектардан 30 центнергача ҳосил етиштириб, давлатга 128 тонна юқори навли хомашё сотишга муваффақ бўлди.

— Уч кун ичида оила аъзоларимиз билан 1200 кг. пахта териб топширдик, — дейди теримчи Хусния Суярова. — Меҳнат самараси улароқ 120 минг сўм даромад қилдик. Бундан ташқари, касба уюшмаларининг махсус мукофотини ҳам қўлга киритдик.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ойсулв Нафасовнинг эътирофи айтишича, ҳар беш кунда йиғим-теримда фаол иштирок этган ўнга яқин ташкилот, юридик ҳамда жисмоний шахслар моддий жиҳатдан рағбатлантириб келинапти.

Нарпай тумани пахтакорлари, Пастдарғом туманидаги «Хончорвоқ» МФЙ, Оқдарадаги «45-отряд» сингари ташкилотлар вакиллари касба уюшмалари томонидан сўнги беш кунлик ғолиби сифатида телевизор ҳамда қимматбаҳо гиламлар билан тақдирландилар.

— Пахтакорнинг меҳнати энгил эмас, — дейди Агротехнолог мажмуи ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси Норхон Раҳматов. — Уларга қамарбаста бўлиш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида ўз ўрнимизни далада деб биламиз.

Самарқандлик танти деҳқонларнинг шашти баланд. Бугун барча куч-имконият юксак довонни забт этишга қаратилган.

Н. ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

«Ҳаҳон, Жонибек, Нодирбек ораси» фермер хўжалиғи илғор теримчилари Ирода Солиева, Гулхан Умированинг айтишича, беш кунликда ғолибликни қўлга киритишгани учун биттадан телевизор билан мукофотланган. Вилоят ҳокимлиги

Йўл-йўлакай «Зарафшон тўлкини» фермер хўжалиғи даласидаги сафарбарликларнинг ҳам гувоҳига айландик. 47,4 гектар майдонда сара ҳосил тўплашга эришган деҳқонларнинг кайфияти юқори. — Меҳнатнинг қадрлини янада кўтаринкилик би-

Маданият ходимлари касба уюшмаси Наманган вилоят вакиллик Уқчўрғон тумани Янгиобод қишлоғи пахта далаларида ҳашарчилар хузурида бўлишди.

Вакиллик томонидан илғор теримчилар эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбирда касба уюшма сафига яқинда қўшилганларга аъзолик билетлари топширилди.

Ф. ЭРМАТОВА

Йиғим-теримда пахтакорларга 300 минг нафардан ошиб ҳашарчи кўмакдош бўлмоқда. Айниқса, нарпайлик пахтакорлар пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти. Туман деҳқонлари 11 минг 494 гектар майдонда сифатли ҳосил етиштирилди. Қатор фермер хўжаликлари теримнинг илк кунлариданоқ режани ошиғи би-

Меҳнат муҳофазаси



17 ёшли Юсуф Саксонов «Belvita Production» масъулияти чекланган жамиятига ишга кирганидан боши осмонда эди. Афсуски, орадан бир ой ўтмай бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Эътиборсизлик

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ишчи комиссия тузилиб, махсус текшириш ўтказилди. Аниқланишича, Юсуф Саксонов номаълум сабабларга кўра, иш жараёнида томдан кулаб тушган. Оғир тан жароҳати олиб, касалхонада вафот этган.

Текшириш жараёнида жабрланувчи хавфсизлик техникаси қондаларига риоя этмаганлиги ҳамда цех бошлиғи Искандар Турсунов меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича назоратни сусайтирилганлиги аниқланди. Марҳумнинг оила аъзоларига бир йўла тўланадиган 2 млн. 880 минг сўм товон пули, отанасига ҳар ойда зарар тўловларини тўлаб бериш корхона раҳбариятига тавсия қилинди.

Бу бир мисол ҳолос. Аслида вилоятдаги ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида жорий йилнинг биринчи ярмида 20 та кўнгилсизлик юз берди. Оқибати оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар махсус текширилиб, чора кўриш учун шаҳар ва туман прокуратуралари ва ички ишлар бўлимларига юборилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолатларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қондаларига риоя қилинмапти. Назорат сўст. Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ёмон аҳволда.

2010 йилнинг 6 ойи давомида Республика текширишлари мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан тасдиқланган режа жадвалига асосан бир қанча текшириш олиб борилди. Аниқланган ҳато ва камчиликларни бартараф қилиш учун тегишли ташкилотларга 48 та ёзма кўрсатма берилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан 5 млн. 851 минг сўм жарима солинди. Хавфсизлик техникаси талабларига жавоб бермайдиган ва инсон ҳаётига хавф туғдирадиган 33 та дастгоҳ вақтинча тўхтатилди.

Ҳозирги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари текшириш ўтказибгина қолмай, балки амалий ёрдам кўрсатиш, семинар-ўқувлар ўтказишга ҳам эътиборни кучайтиришмоқда.

Яқинда кун тартибидеги долзарб масалалардан бири кўриб чиқилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди. Соҳа раҳбарлари ва етакчи мутахассислар иштирокида ўтган ушбу семинарда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш фондини ташкил этиш, иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш, ноғиронларни ижтимоий инфратузилма объектларига тўққинликсиз кириши учун яратилган шароитлар тўғрисида мулоҳазалар билдирилиб, изчил тадбирлар белгиланди.

Бурхон ФАЁЗОВ,
Бухоро вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи

Касба уюшма сиртқи мактаби

Ижтимоий шерикчилик

мақсад сари етакловчи омил

Ижтимоий шерикчилик манфаатлар муштараклигидан ҳосил бўлувчи, умумий мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракат билгиларидир. Умумий мақсад эса корхона тараққиёти ва ходимлар фаровонлиғи бўлиб, мазкур ҳаракат бирлигининг асосини қўйидаги масалалар ташкил қилади:

— корхонанинг раванга ва барқарорлиги иш берувчи — ёлланма ишчи — касба уюшмаси учлигининг ижтимоий ҳамкорлиги орқали рўйбга чиқиши боис томонлар манфаати ўртасида оқилона мувозанатни таъминлаш мақсадида ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва мувофиқлаштириб бориш;

— меҳнат муносабатлари доирасидаги барча масалалар, жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш ва ишчи кучини адолатли баҳолаш, бандликни таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ва дам олиш вақтларини белгилаш, корхона фаолиятининг яқиний натижаларини инобатга олган ҳолда ишловчиларга қонунчиликда кўзда тутилган юқориқроқ имтиёзлар ва кафолатлар белгилаш бўйича ўзаро музокара ва мулоқотлар олиб бориш, тақлифларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

— мулоқотлар ва музокаралар натижалари бўйича юқорида қайд этилган масалаларга оид ички меъёрий ҳужжатлар (жамоа шартномалари, келишувлар, битимлар, низомлар, тартиблар ва ҳ.к.) ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, амалиётга жорий этиш ва ижросини назорат қилиш;

— қонун устуворлигига таянган ҳолда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий-маиший ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда, ходимлар томонидан ҳам қонунчилик талабларига ва тартиб-интизомга риоя қилинишини таъминлаш;

— корхонанинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятида ходимларнинг роли ва мавқеини ошириш, меҳнат жамоасини корхонанинг барқарор тараққиёти асосида янгилаш.

Энди юқорида қайд этилган ҳаракат бирлигида касба уюшма етакчилари ва фаоллари учун алоҳида

аҳамият касб этувчи муҳим ва устувор масалалар ҳусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш, меҳнатни меъёрлаштириш, мосланувчан жамоа шартномаларини тузиш ижтимоий шерикчилик доирасидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борада касба уюшма етакчилари ва фаолларининг иштироки нималардан иборат?

Биринчидан, иш берувчилар билан биргаликда меҳнат ҳақи миқдори, шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тўловлари белгиланган жамоа шартномалари ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш.

Иккинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ишларида иштирок этиш ҳамда асосланган тавсия ва тақлифлар киритиш.

Учинчидан, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликка йўл қўймастик ва унинг ўз вақтида тўлалишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ва ниҳоят, корхона ва ташкилотларда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари ва меъёрларига, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш масалаларига оид ички меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва назорат қилиб бориш лозим.

Яна бир масала, бу меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш ва унинг адолатли тизimini яратишдир. Меҳнатни меъёрлаштириш — меҳнатга ҳақ тўлашнинг норматив-ҳуқуқий негизларидан ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси берилган иш ҳажмининг муайян ишлаб чиқариш шароитларида бажариш учун зарур бўлган вақтни аниқловчи меҳнат меъёрларини белгилашдан иборат. Меҳнатни меъёрлаштириш корхоналарда ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал қилинишини таъминлайди.

Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида корхоналарда ижтимоий имтиёз ва тўловлар фаолиятнинг яқиний натижаларига кўра белгиланишини кўзда тутовчи мосланувчан жамоа шартномаларини тузиш муҳим маса-

лардан биридир. Умуман, мазкур ҳужжатни тузиш бўйича Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ҳар йили амалдаги жамоа шартномаларининг таҳлили ва меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар инобатга олинган ҳолда аниқ ва мукаммал макет шаклидаги тавсиялар ишлаб чиқиши йўлга қўйилган. Жамоа шартномаларини тузишда, аввало, мазкур тавсиялар инобатга олиниши лозим.

Меҳнат қонунчилигига кўра, жамоа шартномалари тузишнинг асосий тамойилларидан бири олинаётган мажбуриятларнинг ҳақиқатда бажарилишини таъминлаш эканлиги (МК 30-моддаси) сабабидан ҳам касба уюшма етакчилари:

— меҳнат муносабатларига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ҳамда шартларини; — корхонанинг мақоми, ҳуқуқ ва ваколатларини;

— махсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш билан боғлиқ ҳаражатлар таркиби ҳамда турларини;

— ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат ҳақи тўловлари ва ишчи кучини сақлаш ҳаражатларига қирадиган тўловлар турларини, уларнинг тўлашни манбалари ва тартибларини;

— меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, фойда, таннарх, рентабеллик ва корхона иқтисодийётига оид бошқа кўрсаткичларнинг мазмун-моҳиятини;

— меҳнатни меъёрлаштиришнинг мақсади, вазифалари ва усулларини; — меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш услублари ва тартибларини мукаммал билишлари керак.

Бу, ўз навбатида қўйидагиларни амалга оширишни тақозо этади:

— махсулот ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш билан боғлиқ барча ҳаражатларни мақсадли таҳлил қилишда (тежамкорлик ва қамайтириш жиҳатдан) фаол иштирок этиш;

— жамоа шартномасига киритилган барча масалалар юзасидан музокаралар жараёнида таҳлиллар асосида асосланган тақлифлар киритиш ва уларнинг қабул қилинишига эришиш;

— жамоа шартномаларини тузиш

жараёнида корхона фаолиятининг яқиний натижаларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар учун сарфланадиган ҳаражатлар бўйича режа-назорат кўрсаткичларининг шакллантирилишига эришиш;

— меҳнат ҳақи тўловларининг махсулот таннархи ва жами ҳаражатлар таркибидеги улушлари оширилишига ҳамда ҳар йил яқини бўйича қайта кўриб чиқишига эришиш.

Мосланувчан жамоа шартномаларини тузишда юқорида қайд этилган тавсияларни инобатга олиш билан бир қаторда ишчи кучини қайта тиклаш ва сақлаш билан боғлиқ ижтимоий имтиёзлар ва тўловлар бўйича мажбуриятлар белгилашда қўйидагиларга эътибор берилиши мақсадга мувофиқ;

— жамоа шартномасида меҳнат муносабатларига оид масалалар бўйича қонунчиликда белгиланган юқориқроқ шартларни, ижтимоий имтиёз ва тўловларни белгилашда корхона фаолиятининг яқиний натижаларига боғлиқ муайян бир кўрсаткич (масалан, соф фойда ёки рентабеллик даражаси) мезон сифатида қабул қилиниши мумкин;

— танланган мезон махсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар таҳлили ва корхона фаолиятининг яқиний натижаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йил яқини бўйича (зарурият юзага келганда ҳар ярим йилда) аниқланиши ҳамда ижтимоий имтиёзлар ва тўловлар аниқланган мезондан келиб чиққан ҳолда белгилаб борилиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидланган фикрлар ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий масалалари бўйича иш берувчи билан ижтимоий шерикчиликни кучайтириш борасида касба уюшмасининг принципал позицияга эга бўлишига ҳамда ҳимоя функцияси қучайтирилишига замин яратлади.

Ғафуржон ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари

Касба уюшма ҳаёти

тилга олишди. — Касба уюшма ташкилоти кучли, фаоллар жонқуяр

ўрни, келажакдаги вазифалари ҳақида суҳбатлашиб олдик.

Етакчининг саёй-ҳаракати, жонқуярлиги боис муассасада ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига тез-тез совға-саломлар бериб борилади. Бу борада вилоят «Қишлоқхўжалиқкимё» ҳиссадорлик жамияти, «Стомасервис» корхоналарининг кўмаги катта бўлмоқда. Ҳомийларнинг савоати тўғрисида қандайдир матбаҳо совғалар улашди.

Анорбой НОРКУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Жонқуяр

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастури зиммамизга катта масъулият юкляди, — дейди Хонимой Ганиева. — Унда белгиланган талабларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаёلمиз. Бу борада Нафиса Қўмабоева,

Лобар Исломова, Умида Ҳайдарова, Санобар Турдимуродова каби тарбиячиларимиз алоҳида ўрнат қўрсатишмоқда. Муҳаббат Ҳакимовани эса ходимлар манфаати йўлида тиним билмайдиган касба-бақўм етакчиси сифатида

бўлса, ўз-ўзидан ютуқлар салмоғи ошаверади, — дейди Муҳаббат Ҳакимова. — Яқинда шаҳардаги 19 та тарбия маскани вакиллари иштирокида кўргазмали семинар ўтказдик. Тадбир давомида касба уюшма ташкилотларининг

Ғамхўрлик

Халқимизнинг ўзидай ажойиб удумлари бор. Мустақиллик туфайли улар сайқаллиниб, ҳаётга қайтди.

Юртимизда ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрами муносабати билан умумхалқ ҳашари уюштирилади. Ҳашар баҳона қанчадан-қанча савоб ишлар амалга оширилади. Одамлар бир-бирига ёрдам қўлини чўзишга интилади. Хайрия ҳашари муносабати билан бир кунлик иш ҳақи тегишли жамғармалар ҳисобига ўтказилади. Ва бу маблағдан ночор оилалар, етим-есирлар, эҳтиёжмандлар баҳраманд бўлади.

— Жамғармамиз ҳисобига тушадиган маблағ адолатли сарфланади, — дейди Сурхондарё вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошланғич касба уюшма қўмитаси раиси Холмўмин Эргашев.

Савоб ишни ҳар кунни қилиш керак

Воҳадаги 675 та маҳалла ҳамда 844 та умумтаълим мактабида жамғарма ташаббуси билан «Тинчлик ва осойишталик учун кураш керак», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзуларида тадбирлар ўтказилди.

Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган ҳашардан тушган маблағ ва хомийлар томонидан ажратилган ҳадавлар ҳисобига 1063 та кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандлари ҳамда ногиронларга 23,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Байрам арафасида ижтимоий ҳимояга муҳтож 4710 нафар ногирон, 114 нафар ёлғиз қария, 11520 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга 145 млн. сўмлик мурувват маблағи сарф қилинди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан ўтказилган тадбирларда

кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан байрам дастурхонлари безатилди. 27 минг болага 18 млн. сўмлик совға берилди.

Шунингдек, хомийларни жалб этган ҳолда 32 нафар ногиронга 3,2 млн. сўмга эшитиш мосламалари ва ногиронлик аравачаси ҳада қилинди.

Жамғарма бўлими томонидан болалар оромгоҳларида кам таъминланган оила фарзандларининг ҳордиқ чикаришига имкон яратилди. Ушбу эзгу ишга 9 млн. сўм ажратилди. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари ва ногиронлар жамиятининг тавсиясига қўра, олий ўқув юрларида таълим олаётган ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оила фарзандларидан 18 нафарининг тўлов

пуллари жамғарма маблағи ҳисобидан тўлаб берилди. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўришда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг уйлари таъмирланди. Хайрли ишга хомийлар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббускор бўлди. Жорий йилнинг ўтган даврида мингдан ортиқ уй-жой таъмирланди. Хусусан, 300 та оилага қарашли уйнинг томи замонавий черепага билан ёпишди. Деразаларига акфа ромлари ўрнатилди. Ушбу мақсад учун 100 млн. сўм харажат қилинди.

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорвалар молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш

мақсадида ижтимоий ночор, ёрдамга муҳтож ва кўп фарзандли оилаларга амалий ёрдам бериш чоралари кўрилди. Хомий ташкилотлар маблағидан ташқари жамғармага келиб тушган маблағ ҳисобидан 123,3 млн. сўмга 137 бош қорамол олиб берилди. Шунингдек, ҳар бир тумандан 10 тадан кам таъминланган ёш оила рўйхати олиниб, 104 та никоҳ ва 96 та суннат тўйлари хомийлик асосида ўтказилди. Бу савобли ишга 34,4 млн. сўм сарфланди. Жумладан, Термиз шаҳридаги «Осиё» ресторанида кам таъминланган 10 та оила фарзандининг суннат тўйлари ўтказилди. Тўйболаларнинг ҳисоб рақамига 100 минг сўмдан маблағ ўтказиб берилди ва 2 млн. сўмлик совға улашилди.

«Маҳалла» жамғармаси давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда

спортнинг оммавийлигини таъминлаш, оилавий спортни ривожлантириш, ёшларни спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида турли тадбирларни амалга оширди. 52 та маҳаллада барпо этилган спорт майдончаларини таъмирлаш ва жиҳозлашга эътибор қаратилди. Жумладан, Ангор, Термиз, Шеробод туманларидаги маҳалла спорт майдончаларида шуғулланаётган ёшларга 500 млн. сўмлик спорт анжомлари олиб берилди.

Термиз шаҳрида вилоят Шарқ яққа кураши ва жанг санъатини ривожлантириш марказининг мусобақаси уюштирилди. Фолибларга жамғарма томонидан 1 млн. сўмлик совға улашилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида 14-18 ёшгача бўлган болалар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди. Шеробод туманидаги «Пошхўрт» қишлоғида миллий уйинлар фестивали ташкиллаштирилди. Бу мусобақаларни ўтказиш ва фолибларни тақдирлашга жамғарма ва хомийларнинг 21,4 млн. сўм маблағи йўналтирилди. Шунингдек, жамғарма «Футболмиз келажиги», «Маҳалламиз полларлари» турнирларини намунали ўтказишга ҳар томонлама қўмақдош бўлиб келаяпти.

— Амалга оширилиши зарур юмушлар ҳали анча. Йил охиригача кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ўзгалар кўмағига муҳтожларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларга мурувват кўрсатиш борасида жамғармамиз бошланғич касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтирилади, албатта, — дейди вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Эркин Кўчкинов.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон халқ артисти Галия Измайлова



Ўзбекистон маданияти ва санъати оғир жудоликка учради.

Ўзбек балет ва рақс санъатининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Галия Баязитовна Измайлова 87 ёшида вафот этди.

Г.Измайлова 1923 йилнинг 12 феврал кунини таваллуд топди. Дастлаб Тошкент балет мактабини, сўнгра Тошкент давлат санъат институтини таъмомлади. 1941 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида балет солисти сифатида иш бошлаб, ярим асрдан зиёд вақт давомида ушбу театрда балетмейстер, бош балетмейстер лавозимида самарали фаолият олиб борди ҳамда ўзбек опера ва балет санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Замонавий рақс санъатининг ёрқин намояндalarидан бири бўлган Г.Измайлова миллий ва европа умумтоз санъати аъёнalarини пухта эгаллаб, ноёб истеъдоди, юксак ижрочилик маҳорати билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг ижросидаги Шарқ ва Ғарб халқларининг машҳур хореографик асарлари нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб давлатларида ҳам катта шухрат қозонди. Бетакрор истеъдод соҳибаси Г.Измайлова томонидан юксак бадиий маҳорат билан ижро этилган «Муножот», «Тановар», «Дилхирож», «Севги тумори», «Лайли ва Мажнун», «Оққуш қўли», «Дон Кихот», «Кармен», «Корсар», «Раймонда» сингари миллий ва жаҳон классик асарлари ўзбек маданияти ва санъати хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Г.Измайлова меҳрибон ва жонқуяр устоз сифатида унлаб иқтидорли ёшларга мураббийлик қилиб, уларга рақс санъати сирларини сидқиқилдан ўргатди.

Атоқли санъаткорнинг миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, Давлат муқофоти ҳамда «Меҳнат шухрати», «Дўстлик» орденлари ва «Шухрат» медали билан тақдирланган эди.

Таникли санъаткор, меҳрибон устоз Галия Измайлованинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмухамедова, Ш.Мирзиёев, Х.Султонов, А.Арипов, А.Жабборов, Г.Ҳамроева



Истиқлолим — истиқболим



Мўл ҳосил гарови

Истиқлол қўлга киритилгач, Юртбошимиз галла мустақиллигини таъминлаш, донни ички имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда етиштириш масаласини устувор вазифа қилиб қўйди ва бугун шунга эришилди.

Касалликларга чидамли, ҳосилдор бугдой навларини яратиш мақсадида республикамизда илмий тадқиқот институтлари иш бошлади. Жумладан, 2008 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Қашқадарёда бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

Воҳа марказидан Бешкент шаҳрига кетаярмишда қад кўтарган замонавий бино йўловчилар эътиборини тортмай қолмайди. Бино ичи ёруғ ва шинам, хоналарда иш қайнади. Бу ерда воҳанинг ҳар битта туманига мос галла уруғи яратиш бўйича ишлар алоҳида юритилади.

Институтнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Нурбек Туфлиев биз билан сўхбатда кўйдагиларни сўзлаб берди: — Институтимиз республиканинг жанубий минтақалари учун илмий марказ сифатида ташкил этилиб, таркибига Ўзбекистон Миллий университети Биоорганик кимё ва биотехнология лабораторияси филиали, Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Геном технологиялари

марказининг филиали ва бошқа бир қатор илмий тадқиқот институтининг филиаллари киритилди.

Институтда аспирантура очилиб, 6 нафар аспирант қабул қилинди ва 8 нафар ёшлар магистратурага юборилди.

Лалмикор ерларда қаттиқ ва сугориладиган даладарда юқори сифатли юмшоқ бугдой навларини яратиш, етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш мақсадида тажриба майдонларимизда иш қизғин. Юмшоқ бугдойнинг 3025 та, қаттиқ бугдойнинг 465 та, арпанинг 1507 та, дуккакли дон экинларининг 894 та, тритикаленинг 70 та нав ва дурагайлари синовдан ўтказилмоқда.

Институтимиз 8 та халқаро илмий муассаса билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатган. Хориж мутахассислари

нинг қизиқиши бежиз эмас. Чунки 90-йиллар бошида Ўзбекистон галла ҳосилдорлиги бўйича жаҳонда 49-ўринда турган бўлса, ҳозир 7-поғонага кўтарилди. Эндиги масала доннинг сифатини яхшилашга қаратилган.

Вилоятда республика ва халқаро микёсдаги семинарлар ўтказиш аъёнага айланди. Масалан, 2009 йилнинг 8-9 июл кунлари институтда ўтказилган халқаро анжуманда тўққизта хорижий давлат олимлари фикр алмашишди. Институтда жанубий-ғарбий, Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари илмий-тадқиқот институтлари учун галла экинларининг минтақавий питомини ташкил этилди ва 2010 йил ҳосили учун 5961 та бошоқли ва дуккакли дон экинларининг навлари экилди. Занг касаллигига чидамли бўлган 200 та нав ва ли-

ния экилиб, танлов ишлари йўлга қўйилди. Шўрга чидамли навлар яратиш мақсадида Бонн университети олимлари билан ҳамкорликда бугдойнинг ёввойи шакллари билан частиштириб яратилган 420 та нав ва дурагайлари устида синов жараёни кетаяпти. Институтнинг илмий ходимлари томонидан қаттиқ бугдойнинг «Насаф», юмшоқ бугдойнинг «Туркистон» ва «Яксарт» навлари яратилиб, давлат нав синаш комиссиясига топширилди.

Дарвоқе, институт директори Зоҳиджон Зиёдуллаев жуда талабчан олим, ёшлардан билиминини аямайди. Ёш олимлар Ойбек Амонов селекция, Фулом Узоқов доннинг физиологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш, Шаҳноза Ҳазраткулова ва Шерали Исмаилов агротехника лабораторияларида намунали хизмат қилмоқда. Деҳқон-фермерларга қўмақ тарихида соҳа муаммоларини ўзида акс эттирган услубий қўлланмалар чикарилди. Бир сўз билан айтганда, кучли салоҳиятга эга муассасамизни янада порлоқ истиқбол кутаётгани аниқ.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ашула шундай яратилган эди

Қаердасиз, қўшиқ қаҳрамонлари?

Телевиденидан юқоридаги руқн остида намойиш этилаётган кўрсатувни томоша қилар эканмиз, оиламиз аъзоларидан бири: — Туроб Тўла қўшиғи қаҳрамони бўлган шу қизлар ҳозир ҳаётмикан? Аллақачон бола-чақалик, оилалик бўлиб кетишгандир? — деб қолди.

Шоир қайноқ ҳаёт ичида юрган ижодкор эди. Қаҳрамонларини аксарият ҳолларда турмушдан оларди. Узим ҳам салкам ярим аср вилоятда ишлаган республика газеталари муҳбири сифатида шорининг Наманганга ташириш чоғида у билан бир неча бор учрашганман, туманларга сафари чоғида ҳамроҳлик қилганман. Бир гал вилоят газетасида босилган фурумсаройлик механик-ҳайдовчи қизлар сурятига боқиб: «Паранжидан чиққан қизлар шундай қудратли техникани бошқаришса, қойил қолмай бўладими?» деганини эшитгандим. Эҳтимол, ўша сурат илҳом бергандир шоирга!

Ҳа, Туроб Тўла шерьи, Муҳаммаджон Мирзаев мусикаси, хонанда Дилором Қайомова маромига етказиб ижро этган «Уч дугона» қўшиғи етмишинчи йилларда эфирда бот-бот янграб, ўзбек қизлари қанчалик камолот чўққисига кўтарилганлигини намойиш этаётгандек эди. Ундаги:

Сирдарёнинг бўйларида уйларингиз, Оқаришб қўринадан бўйларингиз, Анарами, Маҳфузами, Замирами, Ширмонойнинг куйларидек

куйларингиз... деган сатрлар ўзбек пахтакорининг доврғини намойиш этаётгандек эди. Ўзбек қизлари эркаклар билан тенгма-тенг пахта териш машинасини бошқарганлиги ўша даврда тез-тез ибрат қилиб кўрсатиладди.

Айтишларича, Ўзбек қизлари иккинчи жаҳон уруши йилларида бомбардимончи самолётларда ўқчилиқ, учувчиларга ёрдамчилик вазифаларини ҳам бажаришди. Эркаклардан қолишмай тепловоз бошқаришб доврғ қиқарган Башорат Мирбобоева сингарилар қанчадан-қанча? Гал шундаки, Фурумсарой қизлари ўтган асрнинг етмишинчи йилларида пахтачиликни механизациялашдаги жасорати билан шоир эътиборини тортган эди. Туроб Тўла шерьига, яна ҳам аниқроғи, қўшиғи-

га мавзу бўлган Фурумсарой қишлоғидан чиққан механик-ҳайдовчи қизларининг тақдири қандай кечганлиги кўпчиликни қизиқтирса керак.

Уч дугонага бағишланган қўшиқ эфирда янграганига ҳам қирқ йилдан ошибди. Қизлар ҳам аллақачон оилали, бола-чақалик бўлиб кетишган. Улардан биринчиси Анорхон Эргашева ҳозир қишлоқнинг обрўли онахонларидан. Тўй-маъракаларда, маҳалладаги ҳар бир хайрли юмушда бош-қош. Пенсияга чиққанига анча йиллар бўлди. Маҳфиратхон Сулаймонова — Фурумсарой иқтисодиёт коллежи ахборот-ресурс маркази мудираси. Беш фарзанднинг онаси. Атрофини набиралар тулдириган Маҳфиратхон опа қизиқ гапни айтди.

— Шоир биз пахта териш машинаси олдидан тушган расмимиз босилган газетани кўтариб келганди, — дейди қўлиб. — Ушанда 1972 йилнинг август ойи эди. Мен шоир меҳмон бўлиб келганини эшитиб, шийпонга чиқиб келсам, ҳовуз бўйида шерь ўқийтган экан...

Уч дугона орасидан Замира Жўраева фарзандлари ва набираларига етакчи бўлиб, Жўрабой Қўқонов бошлиқ фермер хўжалигида меҳнат қилаяпти.

— Туроб Тўла ёшларга меҳрибон инсон эдилар, — дейди Анорхон Эргашева. — Қачон вилоятга ташириб буюрса, иложи борича қишлоғимизга келиб биздан хабар олиб, ишларимиз билан танишиб кетарди. Тошкентда учрашиб қолсам, ҳам ўз қизларини кўргандек хурсанд бўларди.

Яна сўхбатдошимизга қўшиқни эслатдим.

— Ростини айтсам, ўша қўшиқдан бошимиз осмонга етган. Қўшиқ туфайли эл-юртга танилди. Меҳнатда бир гайратимизга ўн гайрат қўшган эди. Аслида, ижодкорлар ўзларининг ана шундай фазилатлари билан эл олқишини олишаркан!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ

Ўзбекистон касаб
ушмалари Федера
цияси Кенгаши Кур
ортлар бошқармаси
томонидан мустақил
лигимизнинг 19 йил
лиги ва Баркамол
авлод йилига бағиш
лаб «Туркистон»
санъат саройида
ўтказилган санато
рийларо «Ҳамшира
— 2010» Республика
XI кўрик танлови ҳар
йилгидан-да қизиқар
ли ўтди. «Шамдек
бўл, шамни кўр,
куйиб қалбу тан,
ўзгалар дилини қила
ди равшан» ширини
қалбга жо айлаб тан
лов шартларини ба
жарган қизлар пухта
ҳозирлик кўрганлик
ларини исботлашди.



Кўрик-танлов

Ҳамширалар беллашганда

Маълумки, мазкур кўрик-танловни ўтказишда асосий мақсад Курортлар бошқармаси тизимидаги санаторийлар ҳамширалари билимини ошириш, тиббий хизмат маданиятини юксалтириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда касбий билимларини янада чуқурроқ эгаллашларига кўмаклашиш билан бир қаторда, истеъдод ва қобилиятларини ривожлантиришга шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Кўрик-танловда «Чинобод», «Чимён», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Умид гулшани», «Зомин», «Турон», «Бўстон», «Оқтош», «Абу Али ибн Сино», «Косонсой», «Чортоқ» каби санаторийларда фаолият олиб бораётган ҳамширалар «Ҳамшира ташрифи», «Тиббиёт соҳасига доир назарий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий билимлар», «Амалий билимлар бўйича беллашув», «Бадий

кўрик» каби 4 босқичдан иборат шартлар бўйича ўзаро беллашишди. Биринчи ўрин пойтахтимиздаги «Чинобод» санаторийси ходимаси Наргиза Фуломовага насиб этди. Иккинчи ўринни «Турон» санаторийси вакиласи Нозима Норматова, учинчи ўринни эса Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийси иштирокчиси Севарахон Миркомилова эгаллади. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Биринчи ўрин соҳибаси Наргизахон ўз таассуротларини ҳаяжон билан баён этди.

— Аслида ҳар бир ҳамшира катъиятли, билимли ва руҳан кучли шахс бўлиши керак. Ана шундагина у беморлар дардига даво топа олади. Мен «Чинобод» санаторийсининг муолажа бўлимида ишлайман. Бизга кўпроқ ошқозон-ичак ҳамда қандли диабет хасталиги билан оғриган бемор-

лар шифо истаб келишади. Уларни ҳам руҳан, ҳам жисман даволаш учун қўлдан келган ёрдамишни аямаймиз.

Кўрик-танловда қатнашиш учун 4 ой давомида тинимсиз тайёрландим. Бу борада менга яқиндан ёрдам берган ота-онам, қолаверса, «Чинобод» санаторийси раҳбарияти, Нодири Аҳмедова, бошқарма раиси муовини Равшан Эргашев ҳамда физиотерапия шифокори Шоира Маҳмудова каби инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Иштирокчиларнинг халқ саломатлиги йўлида бундан-да кўпроқ муваффақиятларга эришишларига тилак билдириб, оқ йўл, сизга ҳамширалар, дегимиз келади.

Ўз мухбиримиз:
Фозил МАМАШАРИПОВ
олган суратлар

Спорт оламида

Хитойнинг Зибо шаҳрида бошланган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида вакилларимиз дастлабки учрашувни ўтказишди. Мусобақа учун ҳозирланган иккинчи стадион — «Линзи»да терма жамоамиз Шимоллий Корея футболчилари билан рўбарў келишди.

Биринчи ўйин — уч очко!

Аваллига шимолликлар анча фаол ўйнашди. Бироқ Марат Кабаев шогирдлари ҳам бўш келишмади. Асосан узоқ масофалардан рақиб дарвозасига зарба беришга ҳаракат қилишди. Шундай зарбалардан биринчиси учрашувнинг 10-дақиқасига келиб ижро этилди. «Олмалик» вакили Исроил Эргашевнинг зарбаси бироз ноаниқ чиқди.

Биринчи бўлимнинг ёдда қолган яна бир жиҳати, бу «Пахтакор» аъзоси Абдуллаевнинг жуда фаол ҳаракатлари бўлди.

Иккинчи бўлимни рақибларимиз жуда ишончли бошлашди. Бир неча вазиятларда қулай имкониятлар ҳам юзага келди. Бироқ аввалгидек зарбага аниқлик етишмади.

Гўёки ҳаммаси корейслар учун яхши давом этаётганди. Бироқ шу кунни омад вакилларимизга қулиб боқди. Абдумуттолиб Абдуллаевнинг сай-ҳаракатлари эвазига учрашувнинг 63-дақиқасига келиб, пеналти тегиш имконияти юзага келди. Абдуллаев қанотда фаол ҳаракатлари билан Мирғиёс Сулаймоновни олдинга бошлади, рақиб ҳимоячиси эса Мирғиёсни тортиб қолишга мажбур бўлди ва қатарлик ҳакам иккиланиб ўтирмастан ўн бир метрлик белгини кўрсатди. Пеналтини Тимурхўжа Абдулоқов жуда ишончли тарзда амалга ошириб вакилларимизни олдинга олиб чиқди.

Ҳисоб бундан йирикроқ кўриниш олиши мумкин эди. Бироқ сўнгги зарбани беришда Эргашев ҳам, Абдулоқов ҳам ноаниқликларга йўл қўйишди.

Учрашувнинг сўнгги ўн дақиқасида ҚХДР ёшлари жарима майдонимизда босим уюштира бошлашди. Бу вазиятларда Нурлибоев бошлиқ ҳимоя чизгимиз жуда ишончли ҳаракат қилди. Охириги зарба йўлланган пайтда аjoyиб сейф намойиш этган Виктор Мочалов ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлди.

«Ўйдаги мағлубият»

22-турнинг марказий учрашуви Қаршида бўлиб ўтди. «Насаф» жамоаси мамлакатнинг амалдаги чемпиони, ушбу мавсумда ҳам пешқадамликни ҳеч кимга бермай келаятган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоасини қабул қилди. Турнир жадвалидаги жойлашувга қараб ҳам учрашувнинг нечоғлик муҳим эканлигини сезиш қийин эмасди...

Дастлабки дақиқалари мезбонлар анча ҳужумкор тарада бошлашди. 11-дақиқага келиб, Карпенко узоқ масофадан муваффақият қозониши мумкин эди. Бироқ сардорнинг қули зарбасига аниқлик етишмади. Карпенко яна бир марта ана шундай имкониятга эга бўлди. «Насаф» аъзоси Лутфулла Тўраевда ҳам қулай вазият бор эди. Бироқ уларнинг зарбалари ноаниқ бўлди.

26-дақиқага келиб, учрашувда ҳисоб очилди. Ҳошимов билан девор услубида комбинация уюштирган Тимур Кападзе чан оёғида зарба йўллаб, жамоасини олдинга олиб чиқди.

Иккинчи бўлимни Демяненко бир йўла иккига ўзгартириш билан бошлади. Бу эса, ўз навбатида, жамоа ўйинига ижобий таъсир ўтказди. Айниқса, Шомуродов ўрнига майдонга тушган Кенжа Тўраев ўзининг тезкорлиги билан бошқалардан ажралиб турди.

Унинг узоқ масофалардан берган зарбалари, айниқса, хавфли кўриниш олди. Тийиб-тинчимас футболчи бир вазиятда Мақсуд Каримовни ҳам қулай вазиятга чиқарди, бироқ Мақсуд мўлжални аниқ ололмади. Бунёдкорчилар асосан қарши ҳужум тактикаси асосида тўп суришди.

Ўйиннинг 73-дақиқасини кулминацион нуқта дейиш мумкин. Жарима майдончасига оширилган тўпни Анзур Исмоилов қўли билан тўхтатиб қолди. Равшан Эрматов эса бу вазиятда иккиланмай рақиб дарвозаси томон пеналти белгилади. Тўпга яқинлашган Мақсуд Каримовнинг асаблари дош бермади. Унинг зарбасини Нестеров мохирлик билан қайтарди ва ҳисоб ўзгармай қолди. Қолган дақиқаларда «аждарлар» ҳарчанд уринишмасин, ҳисобни тенглаштиришнинг урдасидан чиқа олишмади. Кенжа Тўраевнинг ўта фаол ўйини ҳам жамоага ёрдам бера олмади ва қаршиликлар энг асосий рақибларидан бирига ўз ўйида имкониятини бой берди.

Осиё чемпионати. (U-16) Аккредитация бошланди

Осиё футбол Конфедерациясининг расмий сайти - www.the-afc.com да маълум қилинишича, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг финал мусобақаси учун ОАВ ходимларини аккредитациядан ўтказиш жараёни бошланди. Маълумки, мусобақа шу йилнинг 24 октябр — 7 ноябр кунлари Тошкентда ўтказилади.

Аккредитациядан ўтиш 2010 йилнинг 15 октябрдан давом этади. ОАВ ходимлари ўз ақшунларидан фойдаланиб, www.the-afc.com орқали аккредитациядан ўтишлари мумкин.

Эслатиб ўтайти, аккредитациядан ўтолмаган, аммо терма жамоамиз ўйинлари ва умуман мусобақага ташриф буюриш истагида бўлган журналистлар расмий медиа зоналарга қўйилмайди.

Нарзулла МАХАМОВ

Саҳнада — истеъдод эгалари

Ёш авлодни аждодларимиз маънавий меросига содиқ, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, санъатга бўлган қизиқишларини ўстириш, бадий ижодиётни халқ ўртасида оммалаштиришга қаратилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалининг Наманган вилояти тармоқлараро босқичи бўлиб ўтди.

Унда мақом, аънавий ижрочилик (қўшиқ, катта ашула), эстрада қўшиқчилиги, яқна ва ансамбл чолғу ижрочилиги, бикка ва жамоа рақс ижрочилиги йўналишларида ходимлар ўз истеъдодини намойиш эттишти. Тадбир санъат шинавандалари учун аjoyиб тўхфа бўлди.

Фестивал якунида ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди ва Республика босқичига йўлланма оlishди.

Феруза ЭРМАТОВА,
Наманган вилояти

Оила давраси Қарқара келинлар



Қиздир, ўғилдир вояга етгач, янги ҳаёт остонасига қадам қўйишга ҳаракат қилади. Шу тариқа янги оила вужудга келади. Бу мўъжаз масқанда тинч-тотувликнинг ҳукм суриши, келин-куёвнинг тиниб-тинчиб кетишини оддийгина қилиб «бахт» дея атаймиз. Аммо бунга осонликча эришилмайди.

Бу борада сўз кетганда, дастлаб қайнона-келин муносабатлари эсга олинади. Бу ҳақда кўп гапирилган, ёзилган. Қайноналарини алқаб, худодан уларга узоқ умр сўраб, ўзи ҳам ибратли қайнона бўлишга интилайтган келинларни кўриб, беихтиёр дилинг яйрайди. Яхши ниятга не етсин.

Пайарикда ана шундай маънавиятли қайнона ҳамда тарбияли келинларнинг осуда ҳаётига гувоҳ бўлдим.

фотиҳа қилгандик. У Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг немис филологияси факултети 4-босқич талабаси. Ҳозир ўқишини Самарқанд чет тиллар институтига ўтказдик.

Кичик келиним Моҳидил ҳам Самарқанд давлат чет тиллар институти немис филологияси факултетининг 3-босқич талабаси. Иккаласи ҳам немис тилини яхши билади. Баъзан немисча гаплашаётганини кўриб, немис тилини ўрганмасам бўлмайди-ёв, тагин мени ёмонлаётган бўлманглар, дейман ҳазиллашиб. Келинларимдан бири шартнома асосида ўқийди. Кўпчилик бундай ҳолларда ўқишнинг туғашини кутади. Боламинг келажаги учун, қолаверса, яхши қизни қўлдан бергим келмади. Янги хонадонга ўрганишин деб, ёз бошида тўй қилдик. Уйим нурга тўлди. Иккала келиннинг ҳам ўқиши борлиги учун қийналмасин деб, шаҳарга, алоҳида уйга чиқазмоқчимиз.

— Баъзи қайноналар учун биргина келин билан ҳам тил топишиш қийинчилик туғдиради. Сизда бўлса иккита келин. Тарзининг икки палласини тенг тутиш учун қандай йўл тутасиз?

— Бундай пайтда қайнона тадбирли бўлиши керак. Иккиси ҳам сизнинг фарзандонингиз орқасидан кели-

Нигора опа 25 йилдан бери Пайарик туманидаги 74-умумтаълим мактабиде ўқитувчи бўлиб ишлайди. У ўз ўқувчиларини нафақат тикиш-бичиш сирларидан воқиф этади, балки одобномадан ҳам сабоқ беради. Баркамол авлод йилида тўй қилишни ният қилган эди. Нияти ижобат бўлиб, бир эмас, икки келин тушди.

— Табриклайман, кўш келин туширибсиз. Ҳам келин, ҳам қайнона бўлиш қийин эмасми?

— Биласизми, келин бўлиб тушганимда, ош қилишни билмасдим. Қайнонамнинг исми жисмига муносиб — Тиллаҳон. Ҳеч қачон камчилигимни юзимга солмаган. Ҳаётий тажрибам камроқ пайтлари «келиник — Бедилхонликдан қийин» деб ўйлардим. Бошга тушган билдикми, қайнона бўлиш ундан-да қийин экан. Қиз бола мисоли гул. Уни ўз муҳитидан, бошқа бир боғбон тарбиясидан олиб, ўз боғинга ўтказиш қайнона зиммасига жуда катта масъулият юклар экан. Шу боис, икки келинимга ҳам ўз ота-онасидай меҳрибонлик қила оламанми, йўқми, деган ҳаёл мени баъзан ўйга толдиради. Илоҳи борича, тил топишиб кетишга ҳаракат қилаялман.

Икки келиним ҳам ўқимашди. Катта келиним Гуландомини ўтган йили

ган. Баъзи гаплар бўладик, эшитиб эшитмаганга олсангиз яхши. Бўлмаса, арзиманган гап-сўздан катта жанжал чиқиб кетиши мумкин. Кунда-кунора «тарбиявий соат» ўтаман ва келинларимга қишлоғимиздаги ибратли оилаларни, айниқса, катта овсинимни мисол қилиб кўрсатаман. Тамара хожи она билмаганларимни ўргатиб, опамдай меҳрибончилик қилган, йўл-йўриқ кўрсатган. Шу сабаб, уни опамдек кўраман. Келинларимнинг ҳам худди овсиним каби фазилатларга эга бўлишини хохлаб, кичик келинимга каттасини «опа» деб мурожаат қилишини уқтирганман.

Келинларни кузатар эканман, «Қайнонали келин — қарқара келин, қайнонаси келин — масҳара келин» деган мақол ёдимга тушди. Қарқара — баланд бўйли, қадди тик, қома ти келишган, ўсиқ парли, узун тожли, тургани эслатувчи оқпон, чиройли куш эканлигидан хабарингиз бўлса керак. Утмишда унинг патини шохлар ва келинлар бош кийимларига санчиб юришган. Мақолдан хулоса қилинадики, қайнонаси тўфайли эпли бўлган келинлар эл олдида бошга кўтаргулик обрўга эга бўлишади. Шундайлар кўп бўлсин!

Назира БОЙМУРОВА,
«Ishonch» мухбири

Insonga naf keltirish
SAHABA UYUSHMALARI
FEDERATION OF TRADE UNIONS
PROFESSORIAL
OF UZBEKISTAN
oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat ALIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONOBYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti
256-87-63
Huquq va xalqaro hayot
256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat
256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport
256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43
Reklama va e'lonlar
256-87-73

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
T. Shernayev

Navbatchi:
Sh. Abdusamadov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter maktabida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonalar manzili:
«Buxoro» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatib beriladi. Mualliflar fikr tarqatishni ruqbat nazardan tutmaydilar.

h - Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 23.30

Buyurtma G — 951
11350 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
12 45